

Ҳ. ЛОНГФЕЛЛОНИНГ “ҲАЯВАТА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ” ДОСТОНИ ВА УНИНГ ЛИНГВОСТИЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

Элова Умида Рўзимуродовна

ЖизПИ ассистенти.

umidaelova@gmail.com

tel: 938234044

АННОТАЦИЯ

Ушбу “Ҳаявата ҳақида қўшиқ” поэмаси туфайли Лонгфелло американинг миллий шоирига айланди, бунда поэманинг ҳиндулар фольклори билан боғлиқлиги асосий омил бўлди. Бизнинг мамлакатимизда ва чет мамлакатларда поэманинг фавқулодда машҳур бўлгани, муваффақият қозонгани унда энг қадимги ҳиндулар образлари уларнинг фикрлаш тарзи, турмуш ва дунёқараши билан уйғун тасвирланганида. Поэмада фольклор, тарих, этнография ва илҳомбахш поэзия бир бутунлик касб этган.

Калит сўзлар: ҳиндулар фольклори, этнография, метофаралар, аллитерация, эпос, синкритик, лиро- эпик, параллелизм, эпитет.

АННОТАЦИЯ

Благодаря этому стихотворению «Песня о Гаявате» Лонгфелло стал американским национальным поэтом, что стало ключевым фактором, в котором поэма была связана с индийским фольклором. Поэма стала чрезвычайно популярной и успешной в нашей стране и за рубежом, когда изображения древнейших индейцев были изображены в гармонии с их образом мышления, быта и мировоззрения. В стихотворении объединены фольклор, история, этнография и вдохновляющая поэзия.

Ключевые слова: индийский фольклор, этнография, метафоры, аллитерация, эпос, синкритика, лироэпос, параллелизм, эпитет.

КИРИШ

Лонгфелло поэмаси эпик поэзия услубига хос аломатларга эга – унда 0ёрқин, ранг-баранг ўхшатишлар ҳам, такрорлар ҳам, параллелизмлар ҳам ва халқ поэзиясига хос бўлган муболағалар, жонлантириб тасвирлаш ҳам, айти бир предмет атрофида эпитетларнинг сероблиги ва жарангдорлиги ҳам мавжуд, ёрқин метафоралар, ўзаро зид қиёслашлар ҳамда товуш ёзувлари (аллитерациялар, ассонанслар, анафоралар, эпифора ва бошқалар) борки, эпоснинг бундай кўплаб тасвир воситалари “Ҳаявата ҳақида қўшиқ”қа хосдир.

Ушбу хилма-хил тасвир воситалари ва услубларининг вазифаси – поэмага улуғвор холисликни, уни эпик поэзияга мумкин қадар яқинлаштиришни кўзда тутди. Лонгфелло халқ поэзияси бой хазинасидан ўзи учун нисбатан ёрқин ва ифодали саналган, ўзи яратган ҳаёт манзараларини қайта жонлантириш учун ҳамда ўзининг шахсий дидига мос келадиган бадиий воситаларни маҳорат билан саралаб олади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бадиий адабиёт тилини аслиятда ва таржимада тадқиқ қилиш тадқиқотчини мантиқан шахс-муаллиф тушунчасига олиб келади. Бир пайтлар В.В. Виноградов таъкидлаганидек, бадиий адабиёт тадқиқотида муаллиф нутқи қурилиши таянч нуқтаси саналади. “Агар тилнинг ташқи грамматик шаклидан кўпроқ сўзнинг ички ва кўпроқ мураккаб конструктив шакллари ва бирикувларига эътибор қилинса, унда адабий тил структураси анча мураккаб кўринишда намоён бўлади, бунда муаллиф шахси субъектив планда гавдаланади” [Виноградов 1959:269].

Ёзувчининг ҳам, унинг асарларини ўгирадиган таржимоннинг ҳам адабий ижодида сўз образларнинг ўзига хос қурилиш материали сифатида хизмат қилади. Ва усиз чинакам адабий асар яратишнинг иложи йўқ, сўз китобхонни муайян асар воқеаларини ҳис этишга ва улар таъсирида яшашга мажбур этади. Айнан эпитетлар ички таъсирчанлик ва ёрқин ифодалилиқка эга, улар синкритик ёки лиро-эпик санъат давридаёқ юзага келган” [Веселовский 1989:288]. Сифатларнинг ҳаракатчанлиги ва маъно ўзгарувчанлиги ўзгача семантик сиғимга эгаллиги, ёрқин ифодаланган баҳоловчи коннотация улар орасида жонли бадиий образларни қуриш имкониятини таъминлайди.

Эпитет – “Ҳаявата ҳақида кўшиқ” поэмасида (жами 294 та эпитет бор) муҳим стилистик усул бўлиб, ҳикоя қилишда муаллиф “мен”ини ифодаладиган восита сифатида келади. Лонгфелло “ора-сира жойлашган, кўшилган эпитет” усулини ишлатади, яъни кўплаб субстантив сўзларни аниқловчиларга айлантиришга интилади. Эпитет ўзида яширин ўхшатишни гавлантиради ва сифат қаторида равиш, от, сон ёки феъл сифатида ифодаланиши мумкин. Айтиш керакки, мантиқий аниқловчининг эпитетларга эврилишида контекст етакчи роль ўйнайди, у эпитетларни аниқлаш имконини ҳам беради. Лонгфелло аниқловчиларнинг контекстуал эпитетларга эврилишида қуйдаги усулларни ишлатилади (қуйида нисбатан аниқ мисоллар келтирилган):

А) Ўта ижобий (ҳақиқий аниқловчилар; улар доимий эпитетларга айлана олади (128 та эпитет):

But the fierce Kabibonokka [Longfellow 1967:129];

Listless, careless Shawondasee! [Longfellow1967:245]

Б) Ажратилган постпозитив (бевосита ўзи боғлиқ бўлган сўз ёки гап бўлагидан кейин турадиган), бир неча сифат ёки сифатдош билан ифодаланган аниқловчи (12 та эпитет):

Shawondasee, fat and lazy [Longfellow 1967:226];

And at night Kabibonokka [Longfellow 1967:168];

В) постпозитив аниқловчи; ҳозирги замон сифатдоши билан ифодаланган (24 та эпитет);

Found the Shingebis, the diver

Trailing strings of fish behind him [Longfellow 1967:153];

“Қўшиқ”да эпитетлар ролини кўп ҳолларда пухта сифатлар, кам ҳолларда равиш ва отлар бажаради. Эпитетлар асосан 78% (229 ҳолатда) ижобий мазмунга эга бўлади, гарчи 22% (65 ҳолатда) постпозицияда улар, И.Бунин белгиланганидек, улкан маънодорлик касб этади. Асосий қисм шунчаки структура бўйича, фақат камгина эпитетлар мураккаб сифатлар ёки сифатдошларда ифодаланган: ooal-black, blood-red, heavy-hearted ва б.қ. Ўзаро биргаликда ҳаракат қилиб, бошқа стилистик воситалар ва усуллар билан уйғунлашиб, эпитетлар поэманинг образлилигини ва эмоционал мазмунга бой бўлишини таъминлашда катта роль ўйнайди.

REFERENCES

1. Америка адабиётининг асослари. Ўқув кўлланма. Америка Қўшма Штатлари ахборот бўлими томонидан нашр этилган. 1994 -34б
2. Генри Лонгфелло. “Ҳаявата ҳақида кўшиқ” достони. Ғ. Ғўлом нашриёти. Тошкент. 1973 – 16.б
3. Элова. У. Жаҳон адабиёти журнали. Мақола- Генри Лонгфелло ижодида инсон руҳияти манзаралари.2020- 167.б